



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

www.maturidijournal.uz

+998971 244-35-36
 @moturidiyuz

www.moturidiy.uz
info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK

الماطريدييـة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Масъул муҳаррир:

Зафар Фахриддинов,

Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

“Мотуридийлик” журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввuf: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) 4

Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари 13

Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби 20

Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршуносликдаги аҳамияти 28

ДИНШУНОСЛИК

Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил 36

Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши 46

Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъкиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили 55

Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич 63

ИСЛОМ ТАРИХИ

Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) 70

Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи 80

Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида 87

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари 94

Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти 104

Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари 112

Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий, ижтимоий ва сиёсий муҳит 122

Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari 130

Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” asaridagi she’riy parchalar tasnifi 137

Numonjon N. TURAYEV,
*Senior teacher of the International
Islamic Academy of Uzbekistan, PhD.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: numonjon.turaev@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/3

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР” АСАРИДАГИ “ТАФАРРУД АР-РОВИЙ”ГА ДОИР УСЛУБ

IMAM BUKHARI'S METHOD RELATED TO “TAFARRUD AL-RAWI” IN HIS BOOK “AL-TARIKH AL-KABIR”

МЕТОД ИМАМА БУХАРИ, СВЯЗАННЫЙ С “ТАФАРРУД АР-РАВИ” В ЕГО КНИГЕ “АТ-ТАРИХ АЛЬ-КАБИР”

КИРИШ

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асарида ҳадисларнинг “иллатли” деб топилишига кўплаб омиллар таъсир этиб, ҳадиснинг фақат бир ровий томонидан ривоят қилиниб, унинг матнига мувофиқ бўлган бошқа ривоятнинг мавжуд бўлмаслигини англатувчи – تفرد الراوی (тафарруд ар-ровий) атамаси кўп учрайди.

Муҳаддислар ҳадиснинг фақат бир ровий томонидан ривоят қилиниб, унинг матнига мувофиқ бошқа ривоятнинг мавжуд бўлмаслигига нисбатан икки атама ишлатган бўлиб, улардан биринчиси, ҳадиснинг иснодига тегишли “тафарруд” бўлса, иккинчиси, унинг матнига тегишли “ғарип” атамасидир.

“Тафарруд” атамаси бир ровийнинг бошқалар томонидан ривоят қилинмаган ҳадисни ривоят қилишига нисбатан ишлатилади (Малиборий, 1995). Ушбу турдаги ҳадисларга нисбатан

“ حدیث غریب ” (ҳадис ғарип) – “ғарип ҳадис”, “تفرد به فلان ” (тафаррода биҳи фулан) – “буни ёлғиз фалончи ривоят қилган”, “لَا يتابع عليه ” (ла ютобау алайх) – “унга эргашилмайди”, “لَا يتابع على حدیثه ” (ла ютобау ъала ҳадисих) – “унинг ҳадисига эргашилмайди”, каби изоҳлар ишлатилади.

“Ғарип” сўзи лугатда бирор кишиси бўлмаган ёлғиз одамга нисбатан ишлатилади. Истилоҳда эса, санаднинг бирор табақасида ёки барчасида ровийнинг яккаланиб қолиши мавжуд бўлган

ҳадисларга нисбатан ишлатилади. Кўпчилик муҳаддислар “ғарип” сўзи ўрнига “фард” сўзини ишлатишган бўлса-да, Имом Бухорий “ла ютобау алайх”, “ла ютобау ъала ҳадисих” каби иборалардан фойдаланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Санад занжирининг қайси қисмида “тафарруд ар-ровий” мавжудлигига кўра ривоятлар “мутлак фард” ва “нисбий фард”га бўлинади. “Мутлак фард” исноднинг асли, яъни саҳобийнинг ривоятда ёлғизланиб қолишига нисбатан ишлатилиб, бундай ривоятнинг “саҳиҳ”, “ҳасан” ёки “заиф” деб баҳоланиши унинг ўзи каби бошқа бир ривоятга зид бўлиши ёки мувофиқлиги, иснод занжиридаги бошқа ровийларнинг ишончлилик даражасига бевосита боғлиқдир. “Нисбий фард” деганда, ривоят кўпчилик саҳобийлардан ривоят қилингани ҳолда улардан кейинги табақалардан бирида ровий ёлғизланиб қолади.

Имом Бухорий “ат-Тарих ал-кабир”да “тафарруд ар-ровий” масаласига ҳам тўхталиб, бу борада кўплаб мисолларни келтириб ўтган. Муҳаддиснинг ровий ва ривоятларга нисбатан кўллаган “ла ютобау алайх”, “ла ютобау ъала ҳадисих” каби ибораларнинг уларнинг ишончлилик даражасига таъсирини аниқлаш мақсадида қўйида улардан намуналар келтирилиб, “жарҳ ва таъдил”, “илал ал-ҳадис” манбалари ва ҳадис тўпламларида ушбу ривоятларнинг изоҳланиши масаласи ўрганилади.

МУҲОКАМА

Имом Бухорий Муҳаммад ибн Исмоил Заббий хақида: «Менга Исҳоқ деди: Абулҳасандан, у Али ибн Ҳумайд Даҳакийдан, у Муҳаммаддан, Абу Муалло Аттордан, у Саид ибн Жубайрдан, у Ибн Аббосдан, “бир киши Пайғамбар (с.а.в.)га «Менга бир ишни ўргатингки, уни қилиб жаннатга кирай», деди. Айтди: “Муаззин ёки имом ёки имомнинг олдида бўл”. Мункар ал-ҳадис. Ла ютобау ала ҳозо» (Бухорий А., 1941–1964), дейди. Ушбу ўринда, ҳадиснинг “ла ютобау ъала ҳозо” деб баҳоланиши Муҳаммад ибн Исмоилнинг “мункар ал-ҳадис” экани билан боғлиқми ёки бошқа санад йўли билан етиб келмаганими, деган масала очик қолган. Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида “жарҳ ва таъдил”, “илал” ҳамда ҳадис шарҳига оид манбалар кўздан кечирилганда

Аннотация. Имом Бухорий ислом дунёсида “мўминларнинг ҳадис илмидағи амири” номига сазовор бўлган. Унинг бундай эътироф этилишида муҳаддиснинг шоҳ асари – “ал-Жоме ас-саҳиҳ” билан бирга, унинг яратилиши жараённида ҳадисларнинг Мұхаммад (с.а.в.)га етиб бориши, испод занжиридаги ровийларнинг ишончлилиги, ҳадис матнининг ишлатлардан холилиги каби мавзуларда олиб борган кўп йиллик тадқиқотлари натижаси ўлароқ яратилган “ат-Тарих ал-кабир” асари катта аҳамиятга эга.

“Тафарруд ар-ровий” (ҳадиснинг фақат бир ровий томонидан ривоят қилиниб, унинг матнига мувофиқ бўлган бошқа ривоятнинг мавжуд бўлмаслиги) ҳадисларнинг ишончлилик даражасини белгилашга доир тадқиқотларнинг муҳим мавзуларидан ҳисобланади.

Имом Бухорий ривоятда ёлгизланаб қолган ровийнинг ривоятига нисбатан “фард” ёки “ғаріб” атамаларини қўйламай, бунинг ўрнига “ла ютобау алайх” ва “ла ютобау ала ҳадисиҳ” ибораларини ишлатган. Мақолада Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги мазкур масалага доир маълумотлар таълил қилиниб, муҳаддиснинг бу борадаги методи очиб берилади.

Калим сўзлар: Имом Бухорий, “ат-Тарих ал-кабир”, “тафарруд ар-ровий”, “фард”, “ғаріб”, “ла ютобау алайх”, “ла ютобау ала ҳадисиҳ”, “мункар”, “мурсал”.

Abstract. Imam Bukhari was awarded the title of “Emir of believers in hadith science” in the Islamic world. His work “al-Tarikh al-kabir” along with “al-Jami as-Sahih” is of great importance in his such recognition. This work was created as a result of his many years of research on topics such as the transmission of hadiths to Muhammad (PBUH), the reliability of the narrators in the isnad chain, and the absence of defects in the text of the hadith.

“Tafarrud ar-rawai” (the narration of a hadith by only one narrator and the absence of another narration by its text) is one of the important topics of research on determining the level of reliability of hadiths.

Imam Bukhari did not use the terms “fard” or “gharib” for the narration of the narrator who was isolated in the narration, instead, he used the expressions “la yutabau alayhi” and “la yutabau ala hadisihi”. The article analyzes the information on this issue in Imam Bukhari’s work “at-Tarikh al-Kabir” and reveals the method of the muhaddith in this regard.

Keywords: Imam Bukhari, “al-Tarikh al-kabir”, “tafarrud ar-rawai”, “fard”, “gharib”, “la yutabau alayhi”, “la yutabau ala hadisihi”, “munkar”, “mursal”.

Аннотация. Имам Бухари бил удостоен звания “Эмир верующих в хадисоведение” в исламском мире. Его труд “ат-Тарих аль-кабир” наряду с “аль-Джами ас-саҳиҳ” имеет большое значение в таком его признании. Этот труд создан в результате его многолетнего исследования таких тем, как передача хадисов Мухаммаду (мир ему), достоверность передатчиков в цепочке иснад, отсутствие деффектов в тексте хадиса.

“Тафарруд ар-рави” (передача хадиса только одним передатчиком и отсутствие другого передатчика по его тексту) является одной из важных тем исследований по определению уровня достоверности хадисов.

Имам Бухари не использовал термины “фард” или “ғаріб” в отношении обособленного в повествовании рассказчика, вместо этого он применял выражения “ля ўутабау алайхи” и “ля ўутабау аля ҳадисиҳи”. В статье анализируются сведения по этому вопросу в труде Имама Бухари “ат-Тарих аль-кабир” и исследуется метод муҳаддиса по данному аспекту.

Ключевые слова: Имама Бухари, аксиология, учитель-ученик, учитель, совершенство, воля, идея, национальность, толерантность, решительность.

бир нечта муҳаддисларнинг мазкур ривоятга тўхталгани аниқланди. Жумладан, Табаронийнинг “ал-Муъжам ал-авсат”ида ушбу ривоят келтирилиб, унга қуйидагича изоҳ берилган: “Ушбу ҳадисни Саид ибн Жубайдардан фақат Абу Муалло, Абу Муаллодан фақат Мұхаммад ибн Исмоил ривоят килган. Али ибн Ҳумайд ушбу ривоятда ёлғиз қолган” (Табароний, йили қўрсатилмаган:363). Ушбу ривоятга тўхталган Уқайлий ҳадиснинг “ла ютобау алайх” экани ҳамда Мұхаммад ибн Исмоилнинг фақат

ушбу ривоят билан танилганини таъкидлайди (Уқайлий, 1984).

Юкорида келтирилган икки муҳаддиснинг изоҳидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур ривоятнинг “ла ютобау алайх” деб баҳоланиши унинг “мутлақ ғаріб” экани билан боғлиқ. Имом Бухорийнинг уни айнан Мұхаммад ибн Исмоил Заббийнинг таржимаи холи баёнида келтириши эса, ушбу ровийнинг бошқа ривоятлари мавжуд эмаслиги ҳамда унинг “мункар ал-ҳадис” экани сабабли ривоят “зайф” ҳисобланиб, рад этилиши билан боғлиқ.

Имом Бухорий Мұхаммад ибн Салом Ҳузойй биографиясига тұхталиб, унинг отасидан, отасининг Абу Ҳурайрадан, у Пайғамбар (с.а.в.) дан көлтирган ривоятини қайд этади. Шундан сүңг, ривоятга “ла ютобау алайх” ҳұмкими беради (Бухорий А., 1941–1964). Ушбу ровий ва ривоят тұғрисида Ибн Адий ҳам тұхталиб, уни Мұхаммад ибн Саломдан фақат Ибн Абу Фудайк ривоят қылғани ҳамда мазкур ҳадис Мұхаммаднинг эңг “мұнкар” ривояти эканини айтади (Ибн Адий, 1984). Ибн Адийга асосланилса, мазкур ривоятнинг “ла ютобау алайх” ҳисобланишига сабаб уни Мұхаммад ибн Саломдан Ибн Абу Фудайкнинг ёлғыз үзи ривоят қылғани ойдиналашади. Шу билан бирга, ҳадис бошқа бир санад йўли билан етиб келмагани сабабли рад этилади.

Имом Бухорий Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Киноний ҳақида тұхталиб, унинг Амр ибн Динордан, у эса Ибн Аббосдан ривоят қилишича: “Набий (с.а.в.) таом сұраб турған киши каби құлларини құттарған холатда Арафотдан тушиб келдилар”. “Ла ютобау алайх” (Бухорий А., 1941–1964:127). Ушбу ровий ва унинг ривоятига тұхталған Ибн Адий, Имом Бухорий Мұхаммад исмли ровийларнинг сонини күпайтириш мақсадида ушбу исмли кишилар орасида биттагина ривояти мавжудларини ҳам “ат-Тарих ал-қабір”да көлтиргани ҳамда Кинонийнинг Ато, Омир ибн Абдуллоҳ ва Амр ибн Динорлардан “мақту”лар ривоят қылғанини таъкидлайди (Ибн Адий, 1984:476). “Сиҳоҳи сittа” ва бошқа ҳадис тұпламларыда ушбу ривоятнинг учрамаслиги Имом Бухорийнинг мазкур баҳоси ҳадиснинг бошқа бир санад билан етиб келмаганига боғлиқлигини билдиради.

Имом Бухорий Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Инсон биографиясида ҳам ровийнинг ёлғызланиб қолиши юзасидан “иллат”ли, деб ҳисобланған ривоятни көлтириб үтади. Ушбу ривоятни Мұхаммад отасидан, у Үрва ибн Зубайрдан, у эса үзининг отасидан: “Пайғамбар (с.а.в.)нинг ёнига келдик. Важ (Тоиф яқинидаги жой номи) нинг ови ҳаром эканини зикр этдилар. Бу у зотнинг Тоифға тушишидан ва Сақиғ қамалидан олдин эди”. Шундан сүңг, ҳадиснинг “ла ютобау алайх” эканини ҳам таъкидлайди. Ушбу ровий тұғрисида “аз-Зуафо ас-сағір”да ҳам тұхталиб, унинг ривоятларыда шубҳа борлигини қайд этган (Бухорий А., 1941–1964:140). Шавконий (1759–1834) эса, мазкур ривоятта тұхталиб,

ҳадиснинг бошқа матн билан ривоят қилинганини, Имом Бухорий көлтирган шакли эса “ла ютобау алайх” эканини қайд этади (Шавконий, 1993:42).

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мүмкінки, ҳадис юзасидан чиқарылған ҳукмнинг асоси унинг айни шаклда бошқа ровийлар томонидан ривоят қилинмагани билан боғлиқ.

Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Усмон ибн Аффон биографиясига тұхталған Имом Бухорий унинг Мұхаммад ибн Башшордан, у үз Вахбдан, унинг отасидан, унинг Ибн Исҳоқдан, унинг Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Усмондан, у эса Мұхаммад ибн Абдураҳмондан, у Убайдуллоҳ ибн Абу Роғиъдан, у Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёли Маймунадан, у айтади: «Пайғамбар (с.а.в.)дан “валади зинолар” ҳақида әшитдим». Абу Абдуллоҳ айтади: “ла ютобау алайх. Мұхаммад ибн Иброҳимнинг кимлигини ҳам билмайман” (Бухорий А., 1941–1964:138). Ушбу ривоятдан англашилады, ҳадиснинг “ла ютобау алайх” лигининг сабаби, ровийлар занжиридан ровийнинг тушиб қолғани ҳамда иснодда исми зикр этилмаган Мұхаммад ибн Иброҳимнинг “мажхұл”лиги билан боғлиқ.

Имом Бухорий Иброҳим ибн Солих Қохилий ҳақида тұхталиб, унинг отасидан, у Абу Ҳурайрадан, унинг Пайғамбар (с.а.в.)дан қылған ривоятини көлтиради. Кейин ушбу ривоятнинг “ла ютобау алайх” эканини таъкидлайди (Бухорий А., 1941–1964:293). Ушбу ривоятта нисбатан муаллиф томонидан чиқарылған ҳукмнинг сабабини билиш мақсадида “жарх ва таъдил” манбалари ва ҳадис тұпламлары құздан кечирилғанда, бир қанча мұхаддисларнинг Иброҳим ибн Солих ҳамда унинг мазкур ривоятига тұхталғани аникланди. Масалан, Доракутний уни “аз-Зуафо ва ал-матрукийн”да зикр этиб, кам ривоят қылған ровийлардан эканини таъкидлайди. Ұқайлий эса, Иброҳим ва унинг отаси ҳадис ривоят қилиш билан машҳур бўлмаганини айтади. Байҳақий “Шуаб ал-имон”нинг “Ҳаж ва умранинг фазли” фаслида ушбу ривоят ва у тұғрисида қисқача шарҳ көлтириб үтади. Шундан сүңг, унинг фақат Иброҳим ибн Солихдан ривоят қилинганини айтади (Мудайхиш, 2007:27).

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мүмкінки, ушбу ҳадис ровийнинг ривоятлари күп бўлмагани ҳамда мазкур матннинг бошқа иснод йўли билан етиб келмагани сабабли рад этилган.

Имом Бухорий Ҳурайс ибн Абу Ҳурайс ҳақида тұхталиб, унинг ҳадиси “ла ютобау

алайх” экани ва ривоят занжирининг “мунқате” эканини таъкидлайди. У ҳакида Ибн Абу Ҳотим ҳам тўхталиб, отаси Абу Ҳотим Розийга Имом Бухорий Ҳурайсни “аз-Зуафо” китобига киритгани айтилганда, унинг “ҳадиси ёзилмайдиган, ҳужжат қилинмайдиган киши»лардан эканини таъкидлаганини ривоят қиласи. Ибн Адий эса уни заиф ровийлар қаторида зикр этади. Ибн Жавзий ҳам Ҳурайсга тўхталиб, Ибн Ҳиббоннинг у ҳакида ўта “мункар ал-ҳадис”, деганини келтиради (Ибн Жавзий, 1986:196). Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳурайснинг мазкур ривояти рад этилишига унинг “жарх” қилингани ҳамда ҳадиснинг бошқа санад йўли билан қувватланмагани сабаб бўлган.

Имом Бухорий Суфён Саврий, Абдуллоҳ ибн Муборак каби ишончли ровийларнинг ривоятларини ҳам “ла ютобау алайх”, деб баҳолаб, ушбу “иллат” ҳадисларнинг ишончлилик даражасига қай даражада таъсир этиши масаласи куйида ўрганилади.

Абдуллоҳ ибн Рабоҳнинг таржимаи ҳолида унинг Абу Қатода Ансорийдан, унинг Пайғамбар (с.а.в.)дан намозини унутган киши тўғрисидаги: “Ким намозини унутса, уни ёдига тушган вактда ёки эртасига ўша [намоз] вактида ўқиб олсин”, деган, “ла ютобау фи қавлих” ривоятини келтирган. Абдуллоҳни муҳаддислардан Ижлий, Ибн Саъд ва Насоий “сиқа”, деб баҳолаган. Байҳақий эса мазкур ривоятни тўлиқ ҳолда ривоят қилиб, унга нисбатан “заиф” баҳосини берган (Асқалоний А., 1984:181). Имом Бухорий келтирган ривоятнинг биринчи қисми турли йўллар билан ривоят қилинган бўлса-да, унинг иккичи қисми Байҳақийдан бошқа муҳаддис томонидан ривоят қилинмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Абдуллоҳ ибн Рабоҳнинг ривоят матни бошқа ровийлар томонидан ривоят қилинмагани сабабли “ла ютобау фи қавлих” баҳоси берилган.

Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Амр ибн Ҳазм таржимаи ҳолида Суфённинг Муҳаммаддан қилган ривояти келтирилган бўлиб, унда Пайғамбар (с.а.в.) Умму Саламага уйлангач у ерда 3 кун қолганлар. Имом Бухорий ушбу ҳадиснинг Молик ва бошқа ровийлардан келган турукларини ҳам зикр этиб, Исмоилнинг Моликдан қилган ривояти “саҳих” экани, Суфённинг “унинг олдиди 3 кун қолдилар” қўшимчаси “лам ютоба” лигини қайд этади (Бухорий А., 1941–1964). Ушбу мисолда Имом Бухорий ишончли ровийнинг

ҳадис матнига бирор сўзни қўшиб ривоят қилиши, яъни “зиёда ас-сиқот” мавжуд бўлган ўринларда қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақидаги холосасини баён этган. Демак, ишончли ровийлар томонидан ҳадис матнига бирор қўшимча қўшиб юборилгани аниқланса, ушбу ривоят бутунлай рад этилмайди. Ушбу мулоҳазаларнинг Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Амр таржимаи ҳоли баёнида келтирилиши эса, иснод йўлларининг барчаси унга асослангани ва ушбу ўринда “тафарруд ар-рувот” мавжудлиги билан боғлиқ.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасаннинг таржимаи ҳолида унинг Абу Зиноддан, унинг Аъраждан, унинг Абу Ҳурайрадан қилган ривоятини келтиради. Шундан сўнг, ушбу ҳадис “ла ютобау алайх” экани, шу билан бирга Муҳаммаднинг Абу Зиноддан [ҳадис] эшитган ёки йўқлигини билмаслигини таъкидлайди (Бухорий А., 1941–1964:139). Ушбу ровий ҳакида Ибн Абу Ҳотим “саката анху”, Насоий ва Ибн Ҳиббон “сиқа” баҳосини берган. Ҳадис тўпламларидан Абу Довуднинг “Сунан”ида ушбу ривоят келтирилганини кўриш мумкин (Абу Довуд, 2009:222).

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Имом Бухорий мазкур ривоятнинг 2 та “иллати”ни санаган. Улардан биринчиси ривоятнинг бошқа санад йўли билан қувватланмагани бўлса, иккинчиси муҳаддиснинг санад узлуксизлиги масаласида қўйган шарти мавжуд эмаслиги, яъни Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг Абу Занод билан замондош бўлгани ҳолда у билан кўришгани тўғрисидаги хабарнинг маълум эмаслигидир. Абу Довуднинг Муҳаммаднинг ривоятини ўз “Сунан”ига киритгани эътиборидан, ушбу ривоятнинг даражасини “ҳасан” деб баҳолаш мумкин. Зеро, бошқа “турук” (санад йўллари)дан ва бошқа лафзларда бўлса-да, маъно жиҳатидан ушбу ривоятни қўллаб-куватловчи ҳадислар мавжуд (Термизий, 1975).

Муҳаммад ибн Муалло ибн Абдулкарим Илёмийнинг таржимаи ҳоли баёнида унинг “сабт” эканини таъкидлаб, унинг Муҳаммад ибн Исҳоқдан, унинг Муҳаммад ибн Мунқадирдан қилган ривоятини келтириб ўтади. Шундан сўнг, Муҳаммад ибн Муаллонинг шайхи Муҳаммад ибн Исҳоқнинг Ибн Мунқадирни эшитмаганини айтишганини таъкидлайди. Имом Бухорий ушбу ҳадиснинг “ла ютобау алайх” лигини айтади (Бухорий А., 1941–1964). Демак, мазкур

ривоятнинг 2 та иллати мавжуд бўлиб, улар санаднинг узилиб қолиши ва унинг фақат бир кишидан ривоят қилинганидир. Мазкур ровиййининг бошқа ривоятлари мавжудлиги ҳамда “ат-Тарих ал-кабир”да зикр этилган ҳадиснинг бошқа муҳаддислар тўпламлари ва ҳадис илмларига оид манбаларда келтирилгани ўрганилганда қўйидагилар аниқланди. Ҳадис тўпламларида ушбу ровиййинг бошқа ривоятлари учрамайди. Муҳаммад ибн Муалло тўғрисида муҳаддислар “таъдил” ибораларини ишлатишган. Унинг ривояти кўплаб ҳадис тўпламларида келтирилган бўлса-да, факат Ҳоким Найсубурӣ Муҳаммадни Имом Бухорийнинг санад йўли билан қайд этгани маълум бўлди. Жумладан, унда ушбу ҳадис Зиёд ибн Абдуллоҳдан ҳам ривоят қилиниб, санад занжирида Муҳаммад ибн Муалло зикр этилмаган (Ибн Абу Ҳотим, Ал-Жарҳ ва ат-таъдил, 1953:101; Ҳоким Найсубурӣ, 1990:414).

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур ривоятнинг “ла ютобау алайх”лиги сабаби исноддаги ишончли ровийлардан бўлган Муҳаммад ибн Муаллонинг ёлғизланиб қолишидир.

Ҳаммод ибн Салама ҳақида тўхталиб, Имом Бухорий унинг ўз отасидан, унинг Усмон ибн Талҳадан, унинг Пайғамбар (с.а.в.)дан келтириган Каъба тўғрисидаги ривоятини келтиради. Шундан сўнг, санаднинг “мурсал” ҳамда “ла ютобау алайх” эканини таъкидлайди (Бухорий А., 1941–1964:212). Ушбу ҳадиснинг 2 та иллати мавжуд. Улардан бири санаддаги ровиййинг тушириб қолдирилгани бўлса, иккинчиси Ҳаммод ибн Саламанинг ушбу ривоятда ёлғиз қолишидир.

Имом Бухорий Ҳолид ибн Маймун ҳақида тўхталиб, унинг Абулжавзодан, унинг Оиша бинт Абу Бакрдан қилган «Намозни бошлагандан “Субҳанакаллоҳумма” дер эдилар», деган ривоятини келтиради. Ушбу ривоятга баҳо бериб, “ла ютобау алайх” дейди (Бухорий А. 1941–1964). Ибн Можанинг “Сунан”ида ушбу ҳадиснинг тўлиқ матни келтирилган бўлиб, унда ровийлар занжирида Ҳолид ва Абулжавзолар зикр этилмаган (Ибн Можа, нашр йили қўрсатилмаган:265). Маълум бўладики, Абулжавзодан Ҳолид ибн Маймундан бошқа ровийлар ривоят қилишмаган. Ибн Можанинг ривоятини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, Ҳолиднинг ривояти бошқа ҳадис матнига мувофиқ келгани сабабли, “ҳасан” ҳадис ҳисобланади.

Асарда 4 нафар саҳобий таржимаи ҳолида келтирилган ривоятга “ла ютобау ъала” ҳукми берилган бўлиб, уларнинг ривоят ишончлилигига таъсир даражаси қўйида ўрганилади.

Имом Бухорий Ҳузайма ибн Жазнинг таржимаи ҳолида унинг саҳобийлардан эканини айтиш билан бирга, “забб” ва бошқа хайвонларнинг ҳалол экани масаласидаги “ла ютобау алайх” бўлган ривоятини келтиради (Бухорий А., 1941–1964:206). Ҳадис тўпламлари кўздан кечирилганда ушбу ҳадисни Ибн Абу Шайба “Мусаннаф”да, Ибн Абу Осим “ал-Оҳод ва ал-масоний”да, Ибн Можа “Сунан”да, Табароний “Мўъжам ал-кабир”да, Абу Нуайм “Маърифат ас-саҳоба”да Ибн Исҳоқ йўли билан ривоят қилишгани аниқланди (Ибн Абу Шайба, 1989:536). Аммо “сиҳоҳи сittat” тўпламлари мазкур ривоят келтирилгани кузатилмади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ҳузайма ибн Жазнинг ривоятига Имом Бухорий томонидан берилган баҳонинг асоси саҳобийнинг бундан бошқа ривоятлари мавжуд эмаслиги ҳамда айни ҳадис матнига мувофиқ бўлган бошқа бир саҳобийнинг ривоятлари мавжуд эмаслигидир.

Саҳобий Зайд ибн Авфо таржимаи ҳолида унинг Пайғамбар (с.а.в.)нинг саҳобийлари орасида биродарлик алоқаларини ўрнатиши тўғрисидаги ривоятни келтириб, унга “ла ютобау алайх” баҳосини берган. Имом Бухорий ушбу ривоятни “ат-Тарих ал-авсат”да ҳам келтириб, унинг бир нечта “иллат”ларини санайди. Жумладан, унда санаднинг “мажхул”лиги, матнинг “ла ютобау алайх” экани, ровийларнинг бир-биридан эшитгани маълум эмаслиги, бошқалар уни Ислом ибн Абу Ҳолиддан ривоят қилишгани ҳамда асли йўқлиги каби иллатлар мавжуд. Имом Термизий ҳам ушбу ҳадисга тўхталиб, унга “ҳасан, фарид” баҳосини беради. Ибн Ҳажар Асқалоний ривоятни келтириб, Ибн Саканнинг ушбу ҳадис 3 та туруқдан етиб келгани ва улардан бирортаси ҳам “саҳиҳ” эмаслиги тўғрисидаги фикрини илова қилади (Бухорий А., 1941–1964:386).

Муҳаддисларнинг изоҳларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур ҳадис битта санад йўли билан етиб келгани сабабли “фарид” ҳисобланса-да, исноддаги ровийлар ишончли ҳисоблангани сабабли “ҳасан” даражасига етган.

Муаллиф Афиғ Киндийнинг саҳобийлардан эканини таъкидлаб, унинг отасидан қилган

ривоятини келтиради. Унда исломнинг илк даврида Пайғамбар (с.а.в.) ва Ҳадичанинг намоз ўқигани тўғрисида зикр этилади. Имом Бухорий ушбу ривоятнинг “ла ютобау фи ҳаза”лигини ҳам қайд қилган. Абу Яъло Мавсилий (211/826–307/919) Афиф Киндийнинг ушбу ривоятини келтириб, унинг бундан бошқа ривоятлари мавжуд эмаслигини қайд этган. Шу билан бирга, унинг даражаси “ҳасан” эканини ҳам таъкидлайди. Ибн Абдулбар (368/978–463/1071) эса мазкур ривоят бир неча йўл билан ривоят қилингани ҳамда “жуда саҳих” эканини таъкидлайди (Мусилий, 1984:117). Демак, Имом Бухорий ривоятнинг бошқа иснод йўлини аниқлай олмагани сабабли унга “ла ютобау алайҳи” баҳосини берган. Ибн Абдулбар эса, мазкур ривоятнинг бир нечта йўл билан ривоят қилинганини аниқлаб, уларнинг мувофиқлиги ҳамда Афиф Киндийнинг саҳобийлиги сабабли уни ишончли деб, хисоблаган.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳадиснинг бир ровий томонидан ривоят қилиниши санадда учрайдиган иллат турлари орасида энг кўп тарқалгани бўлиб, бундай ҳадислар Имом Бухорий томонидан “ла ютобау алайҳи”, деб баҳолангандан.

Ҳадиснинг “ла ютобау алайҳи”, деб баҳоланиши унинг “иллат”и деб хисобланса-да, исноддаги ровийларнинг ишончлилик даражаси ва бошқа ҳадисга мувофиқлиги сингари омиллар таъсирида “саҳих” даражасига етиши ёки “зайф” сифатида рад этилиши мумкин. Жумладан, “Амаллар ниятга боғлик” ҳадиси санаднинг асли, яъни саҳобийнинг ёлғизланиб қолгани унинг “саҳих” деб топилишига салбий таъсир кўрсатмаган. Зеро, исноднинг аслидаги Умар ибн Хаттоб сика ровий хисобланиб, ҳадис матни бошқа ўзи каби ҳадис матнига зид эмас.

Имом Бухорийнинг ҳадисни “ла ютобау алайҳи” деб баҳолаши уни қабул қилиш ёки рад этиш учун асосий мезон бўлмай, ровийнинг ишончлилик даражаси ва бошқа ривоятларга мувофиқ келиши ушбу масалада муҳим воситалардан хисобланади.

Имом Бухорий ровийнинг ривоятда ёлғизланиб қолишини ҳадиснинг иллатли деб топилишига оид сабаблардан бири деб хисоблаган. Мутақаддим мухадислар қатори “фард”

ёки “ғарид” атамаларидан фойдаланмай, бунинг ўрнига “ла ютобау алайҳи” ва “ла ютобау ъала ҳадисиҳи” ибораларини қўллаган. Ушбу иборалар аксар ўринларда жарҳ этилган ровийлар ривоятига, баъзи ҳолларда эса “илал ал-ҳадис”нинг дастлабки ва энг муҳим мавзуси бўлган “сиқа” ровийларнинг ривоятларига нисбатан ҳам ишлатилган. “Жарҳ” этилган ровийлар ривоятига нисбатан ишлатилган ўринлар таҳлилидан уларнинг “ла ютобау алайҳи” дейилишига ровийга нисбатан берилган ҳукм эмас, балки ривоят занжирининг бошқа йўллар билан қувватланмагани сабаб бўлгани ойдинлашди. Ровийнинг ёлғизланиб қолиши иснод занжирининг қайси қисмида бўлишидан қатъи назар, унинг ривояти “ла ютобау алайҳи” деб баҳолангандан бўлиб, ушбу услугуб саҳобийларнинг ривоятларига нисбатан ҳам қўлланган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъяс Ибн Исҳоқ Аздий Сижистоний. (2009). Сунан. J. 1. Байрут: Мактаба ал-асрия.
2. Абу Нуайм, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Исбаҳоний. (1998). Маърифа ас-саҳоба. J. 3. Риёз: Дор ал-ватан.
3. Байҳақий, Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Ҳусравжирдий Ҳуресоний. (2003). Шуаб ал-имон. J. 6. Риёз: Мактаба ар-рушд ли ан-нашр ва ат-тавзий.
4. Байҳақий, Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Ҳусравжирдий Ҳуресоний. (2003). Ас-Сунан ал-кубро. J. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
5. Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. (1941-1964). Ат-Тарих ал-қабир. J. 1. Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония.
6. Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. (1941-1964). Ат-Тарих ал-қабир. J. 3. Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония.
7. Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. (1941-1964). Ат-Тарих ал-қабир. J. 5. Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония.
8. Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил. (1941-1964). Ат-Тарих ал-қабир. J. 6. Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмония.
9. Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. (1976). Аз-Зуафо ас-сағир. Ҳалаб: Дор ал-ваъй.
10. Ибн Абдулбар, Абу Умар Юсуф ибн Абдуллоҳ. (1992). Ал-Истийъаб фи маърифа ал-асҳоб. J. 3. Байрут: Дор ал-жалил.
11. Ибн Абу Ҳотим, Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамими Ҳанзалий Розий. (1953). Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. J. 3. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.

12. Ибн Абу Ҳотим, Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамими Ҳанзалий Розий. (1953). Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. J. 7. Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмия.
13. Ибн Абу Ҳотим, Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамими Ҳанзалий Розий. (1953). Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. J. 8. Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмия.
14. Ибн Абу Шайба, Абу Бақр ибн Абу Шайба. (1989). Ал-Китоб ал-мусаннаф фи ал-аҳодис ва ал-осор. J. 5. Риёз: Мактаба ар-Рушд.
15. Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. (1984). ал-Комил фи зуафо ар-рижол. J. 2. Байрут: Дор ал-ғиқр.
16. Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. (1984). ал-Комил фи зуафо ар-рижол. J. 6. Байрут: Дор ал-ғиқр.
17. Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. (1984). Ал-Комил фи зуафо ар-рижол. J. 7. Байрут: Дор ал-ғиқр.
18. Ибн Жавзий, Абулфараж Абдураҳмон ибн Али. (1986). Аз-Зуафо ва ал-матрукийн. J. 1. Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмия.
19. Ибн Можа, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. (йили кўрсатилмаган). Сунан. J. 1. Ҳалаб: Дор иҳё ал-қутуб ал-арабия.
20. Ибн Ҳажар Аскalonий, Абулғазл Аҳмад ибн Али. (1984). Таҳзиб ат-таҳзиб. J. 5. Байрут: Дор ал-ғиқр.
21. Ибн Ҳажар Аскalonий, Абулғазл Аҳмад ибн Али. (1984). Таҳзиб ат-таҳзиб. J. 9. Байрут: Дор ал-ғиқр.
22. Ибн Ҳажар Аскalonий, Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар. (1994). Ал-Исоба фи тамийз ас-саҳоба. J. 2. Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмия.
23. Малиборий, Ҳамза Абдуллоҳ. (1995). Ал-Мувозана байна ал-мутакаддимин ва ал-мутааххирин: фи тасҳих ал-аҳодис ва таълилиҳо. Makka: ал-Мактаба ал-маккия.
24. Мавсилий, Абу Яъло. (1984). Муснад Абу Яъло. J. 3. Ҷамашк: Дор ат-турос ал-арабий.
25. Осим, Ибн Абу Осим. (1991). Ал-Оход ва ал-масоний. Риёз: Дор ар-роя.
26. Табароний, Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб. (йили кўрсатилмаган). Ал-Мўъжам ал-авсат. Қоҳира: Дор ал-ҳарамайн.
27. Табароний, Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб. (1994). Ал-Мўъжам ал-қабир. Қоҳира.
28. Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. (1975). Сунан. J. 2. Қоҳира: Мустафо Бобий Ҳалабий.
29. Үқайлий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр Үқайлий. (1984). Аз-Зуафо ал-қабир. J. 4. Байрут: Дор ал-мактаба ал-илмия.
30. Ҳоким Найсабурий, Абу Абдуллоҳ Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. (1990). Ал-Мустадрак ала ас-Саҳихайн. J. 4. Байрут: Дор ал-қутуб ал-илмия.
31. Шавконий, Муҳаммад ибн Али. (1993). Найл ал-автор. J. 5. Қоҳира: Дор ат-турос.
32. Мудайҳиш, Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон. (2007). Мусталаҳот аймма ал-ҳадис ал-хосса ва ялийҳи ал-қароин ал-мусила ила фаҳми мақосидихим фи ал-ҷарҳ ва ат-таъдил. J. 1.

REFERENCES

1. Abu Davud, Sulaimon ibn Ash'as Ibn Ishaq Azdiy Sijistani. (2009). Sunan. Vol. 1. Beirut: Maktaba al-asriya.
2. Abu Nuaim, Ahmad ibn Abdullah Isbahani. (1998). Ma'rifa al-sahoba. Vol. 3. Riyaz: Dar al-vatan.
3. Bayhaqi, Ahmad ibn Husain ibn Ali ibn Musa Xusravjirdi Xurasani. (2003). Shuab al-iman. Vol. 6. Riyaz: Maktaba al-rushd li al-nashr va al-tavzi'.
4. Bayhaqi, Ahmad ibn Husain ibn Ali ibn Musa Xusravjirdi Xurasani. (2003). Al-Sunan al-kubra. Vol. 2. Bairut: Dar al-kutub al-ilmiya.
5. Bukhari, Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail. 1941-(1964). Al-Tarikh al-kabir. Vol. 1. Heitarabad: Daira al-ma'rif al-usmaniya.
6. Bukhari, Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail. (1941-1964). Al-Tarikh al-kabir. Vol. 3. Heitarabad: Daira al-ma'rif al-usmaniya.
7. Bukhari, Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail. 1941-(1964). Al-Tarikh al-kabir. Vol. 5. Heitarabad: Daira al-ma'rif al-usmaniya.
8. Bukhari, Abu Abdullah Muhammad ibn Ismail. (1941-1964). Al-Tarikh al-kabir. Vol. 6. Hcidarabad: Daira al-ma'rif al-usmaniya.
9. Bukhari, Muhammad ibn Ismail. (1976). Al-Zuafu as-saghir. Halab: Dar al-va'y.
10. Ibn Abdulbar, Abu Umar Yusuf ibn Abdullah. (1992). Al-Istiy'ab fi ma'rifa al-ashab. Vol. 3. Beirut: Dar al-jalil.
11. Ibn Abu Hatim, Abdurahman ibn Muhammad ibn Idris ibn Munzir Tamimi Ҳanzaliy Raziy. (1953). Al-Jarh va at-ta'dil. Vol. 3. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
12. Ibn Abu Hatim, Abdurahman ibn Muhammad ibn Idris ibn Munzir Tamimi Ҳanzaliy Raziy. (1953). Al-Jarh va at-ta'dil. Vol. 7. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
13. Ibn Abu Hatim, Abdurahman ibn Muhammad ibn Idris ibn Munzir Tamimi Ҳanzaliy Raziy. (1953). Al-Jarh va at-ta'dil. Vol. 8. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
14. Ibn Abu Shayba, Abu Bakr ibn Abu Shayba. (1989). Al-Kitab al-musannaf fi al-ahadis va al-osor. Vol. 5. Riyaz: Maktaba al-Rushd.
15. Ibn Adiy, Abu Ahmad Abdullah ibn Abdullah Jurjaniy. (1984). al-Kamil fi zuafa al-rijal. Vol. 2. Beirut: Dar al-fikr.
16. Ibn Adiy, Abu Ahmad Abdullah ibn Abdullah Jurjaniy. (1984). al-Kamil fi zuafa al-rijal. Vol. 6. Beirut: Dar al-fikr.
17. Ibn Adiy, Abu Ahmad Abdullah ibn Abdullah Jurjaniy. (1984). al-Kamil fi zuafa al-rijal. Vol. 7. Beirut: Dar al-fikr.
18. Ibn Javziy, Abulfaraj Abdurahman ibn Ali. (1986). Al-Zuafa va al-matrukin. Vol. 1. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.

19. Ibn Maja, Abu Abdullah Muhammad ibn Yazid Qazviniy. Sunan. Vol. 1. Halab: Dar ihya al-kutub al-arabiya.
20. Ibn Hajar Asqalaniy, Abulfazl Ahmad ibn Ali. (1984). Tahzib al-tahzib. Vol. 5. Beirut: Dar al-fikr.
21. Ibn Hajar Asqalaniy, Abulfazl Ahmad ibn Ali. (1984). Tahzib al-tahzib. Vol. 9. Beirut: Dar al-fikr.
22. Ibn Hajar Asqalaniy, Ahmad ibn Ali ibn Muhammad ibn Ahmad ibn Hajar. (1994). Al-Isaba fi tamyiz al-sahoba. Vol. 2. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
23. Malibariy, Hamza Abdullah. (1995). Al-Muvazana bayna al-mutaqqaddimin va al-mutaakkhirin: fi tashih al-hadis va ta'liliha. Makka: al-Maktaba al-makkiya.
24. Mavsiliy, Abu Ya'la. (1984). Musnad Abu Ya'la. Vol. 3. Damashq: Dar at-turas al-arabiyy.
25. Asim, Ibn Abu Asim. (1991). Al-Ahad va al-masaniy. Riyaz: Dar ar-ray'a.
26. Tabaraniy, Sulaiman ibn Ahmad ibn Ayyub. Al-Mu'jam al-avsat. Cairo: Dar al-haramain.
27. Tabaraniy, Sulaimon ibn Ahmad ibn Ayyub. (1994). Al-Mu'jam al-kabir. Qairo.
28. Termiziyy, Abu Isa Muhammad ibn Isa. (1975). Sunan. Vol. 2. Cairo: Mustafa Babiy Halabiy.
29. Uqaili, Abu Ja'far Muhammad ibn Amr Uqaili. (1984). Al-Zuafa al-kabir. Vol. 4. Beirut: Dar al-maktaba al-ilmiya.
30. Hakim Naisaburiy, Abu Abdulla Hakim Muhammad ibn Abdulla. (1990). Al-Mustadrak ala al-Sahihain. Vol. 4. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
31. Shavkaniy, Muhammad ibn Ali. (1993). Nayl al-avtar. J. 5. Cairo: Dar al-turas.
32. Mudayhish, Ibrahim ibn Abdulla ibn Abdurahman. (2007). Mustalahat aimma al-hadis al-khaassa va yaliyhi al-qarain al-musila ila fahmi maqosidihim fi al-jarh va at-ta'dil. Vol. 1.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.